



ҲАМИДУЛЛА ДАДАБОВ

СОҲИБҚИРОН САРКАРДАЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАМИДУЛЛА ДАДАБОВ

СОҲИБҚИРОН САРКАРДАЛАРИ

“Nodirabog‘im” нашриёти
Тошкент – 2020

КБК: 84.(5.Ў) 6

X-19

УЎК: 811.512.133-3

Ҳамидулла ДАДАБОВ

СОҲИБҚИРОН САРКАРДАЛАРИ [Matn]: рисола

Ҳамидулла ДАДАБОВ. - Тошкент: Nodigabegim, 2020. - 204 б.

Ушбу рисолада ўзбек давлатчилигининг асосчиси, бую саркарда Амир Темур тузган улкан қўшин бошқарувиг тайинланган лашкарбошиларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид чизгилар тарихий ҳамда илмий манбаларга асосланган ҳолда баён этилган. Рисола кенг китобхонлар оммаси, илми ходимлар, ҳарбийлар ва темуршуносларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Шухрат Сирожиддинов,

филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Очил Бўриев,

тарих фанлари доктори, профессор;

Тўлқин Ҳайит,

Амир Темур фонди раисининг биринчи ўринбосари;

Бобир Негмагов,

Ўзбекистон қуролли кучлари академияси кафедра

бошлиғи ўринбосари, полковник

Рисола Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Кенгашининг 2020 йил 20 сентябрдаги 3-сонли баённомасига асосан нашрга тавсия этилган.

© Х. ДАДАБОВ
© "Nodigabegim" нашриёти, 2020

Тузувчи

Амир Темурнинг жаҳоншумул обрў-эътибор ва шон-шуҳрат қозонишида етакчи омил ҳисобланган жихат - саркардалиқ даҳоси, ҳарбий маҳораги ва истеъдоди, дунё ҳарбий санъатига қўшган беқиёс улуши тўғрисида кўпдан-кўп фикр-мулоҳазалар, тарихий, илмий, бадий асарлар маъжудлигига қарамасдан, бу йўналишдаги тадқиқотларни муттасил олиб бориш Соҳибқироннинг ҳарбий иш соҳасидаги интизомли хусусиятларини кашф этишга хизмат қилади.

Амир Темурнинг жаҳон аҳлини хайратга солган ҳарбий зафарларига, албатта, фақат Аллоҳ томонидан у зотга иноят қилинган лашкарбошилик салоҳияти маҳсули сифатидагина қарамасдан, балки ўз даври учун фавқулодда замонавий ҳисобланган қурол-яроғ, аслаҳалар билан таъминланган, илгор жанг олиб бориш тактикаси ва амалиётларини мукаммал эгаллаган ўта интизомли армияни шакллантириш натижаси тарзида баҳолаш объектив ҳақиқатга мос тушади.

Асосий қарвон йўллари устидан қатъий назорат ўрнатиш, мамлакат куч-қудратини юқори даражага олиб чиқиш, омма турмуш тарзини кўтариш сингари эзгу мақсадлар йўлида Соҳибқирон XIV-XV асрларда ҳам стратегик, ҳам тактик нуқсон назардан монанди йўқ тезкор ҳарбий кучлари билан сонсиз жангу жадалларда қатнашди, беҳисоб ғалабаларни кўлга киритди.

Ҳарбий иш ва ҳарбий санъат тарихи Темурбекни ҳақли равишда дунёнинг энг буюк, энг атоқли саркардаларидан бири тариқда таъ олган. Соҳибқироннинг ҳарбий истеъдоди ва маҳорати асосан икки йўналишда: моҳир ҳарбий таъкилотчи ва тенгсиз лашкарбоши сифатида ёққол намён бўлган.

Темурбек буюк саркарда ва новатор ҳарбий ташкилотчи сифатида ҳар томонлама мукаммал қўшин барпо этиш, муҳараба вафтида қўшин қисмларини санъаткорона равишда, жанг тақдирини ҳал бўлишини таъминлайдиган қуролларга аскарнинг кучларини ўз вақтида тезкорлик билан